



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№23
25 декабрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
14 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
23-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 14**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
23-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 14**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 23-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохидат Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

1. Baymatova Sarvinoz Laxliddinovna CHIZMACHILIK FANI, UNING MAQSAD VA VAZIFALARI.CHIZMANING INSON AMALIY FAOLIYATIDAGI AHAMIYATI.....	7
2. Жаббаров Ботиршер Ғуломович, Турдалиева Дилдора Алишер қизи ГИПС ҚОМАТ ТАСВИРИНИ ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ.....	9



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН

CHIZMACHILIK FANI, UNING MAQSAD VA VAZIFALARI. CHIZMANING INSON AMALIY FAOLIYATIDAGI AHAMIYATI.

*Baymatova Sarvinoz Laxliddinovna
Zarafshon shahar 7-umumiy o'rta ta'lim maktab
Tasviriy san'at va chizmachilik fani o'qituvchisi*

Annotatsiya. Tarixiy yodgorliklar, arxeologik qazilmalar shuni ko'rsatadiki, odamlar hali yozuv dunyoga kelmagan davrlardayoq atrofidagi turli buyumlarning shaklini chiza boshlaganlar va o'zaro bo'lgan muloqotda tasvirlardan foydalanganlar. Ibtidoiy odamlar yaratgan qoyalardagi tasvirlar hozirgi to'g'ri burchakli (ortogonal) tasvirlarga taxminan to'g'ri keladi.

Kalit so'zlar. me'morchilik, grafika, Sank-Peterburg, Ermitaj, tasvir, frontal izometriya, trimetriya, frontal dimetriya, Yevklid, G.Monj, Vaynbrenner, Dyuken, Gashet, Bordon, Perez, Brisson, Myulenger, Gauss, Veybak.

Ison ongi taraqqiy etgan sari fan-madaniyat shakllana bordi. Ishlab chiqarish, me'morchilik taraqqiy eta boshladi. Bular o'z o'rnida grafikaning asosiy turi hisoblangan chizmalarning mohiyatini orttira boshladi. Uy-joylar, qo'rg'onlar va boshqa inshootlarni qurish davrida birinchi chizmalar paydo bo'ldi. Dastlabki chizmalarda faqat bitta tasvir bo'lib, uni reja deb atashadi. Odatda, bu rejalarni to'g'ridan-to'g'ri qurilajak inshootlarning o'rniga, ya'ni yer sirtiga, haqiqiy kattaligi bilan bajariladi. Bunday chizmalarni yasash uchun birinchi chizmachilik asboblari-yog'ochdan yasalgan sirkul-o'lchagich, arqon yasalgan to'g'ri burchakli uchburchaklar yaratiladi. Keyinchalik bunday reja chizmalarni pergament qog'ozda, daraxtlarda va xolostga kichraytirib bajarila boshlandi. Dastlabki chizmalar bilan shakl o'rtasida deyarli farq bo'lmagan. Tasvirlar ko'z bilan chamalab qo'lda chizilgan, Sank-Peterburgdagi Ermitajda saklanayotgan Sug'd laganchasiga o'yib tushurilgan ko'shk fasadi chizmasi (V-VII asr) ga e'tibor bersak, bu chizmada o'lchamlar qo'yilmagan. Bunday chizmalar tasvirlangan narsalar haqida taxminiy tasavvur bera olgan xolos. Sharq miniatyuralarida uzoqdagi narsalar shakli teparoqda, yaqindagi narsalar esa pastroqda bir xil kattalikda tasvirlangan. Ko'p tasvirlar, hozirgi zamon qiyshiq burchakli frontal izometriya, trimetriya yoki qiyshiq burchakli frontal dimetriya ko'rinishiga mos keladi. XV asrda qurilgan Go'ramir maqbarasi va madrasalar tasviri berilgan. Keyinchalik chizmalarda buyumning shaklini, shuningdek, o'lchamini ko'rsatishga harakat qilinadi, chizmalar asta-sekin takomillashib borgan. Unda tasvirlangan inshootlar taxminan ancha aniq aks ettirilgan va chizmachilik asboblardan foydalanilganligi ko'rinib turibdi. Rossiyada kemasozlikning rivojlanishi natijasida yanada aniqroq chizma masshtabiga qattiq rioya qilingan chizmalar paydo bo'ldi. Bunda uzunligi, kengligi va balandligi tasvirlangan uchta proeksiyadan foydalana boshlandi. 1719 yilda Pyotr I tomonidan proeksiya nurlaridan foydalanib, chizilgan eshikli qayiq chizmasi ko'rsatilgan. XVIII asrda chizmalar g'oyatda puxta va rangli tusda bajarildi. Bu chizmalarda shartli qirqimlar bajarildi va buyumning kesilgan qismi materialiga qarab bo'yab ko'rsatildi. Fazoviy jismlarning tekislikda tasvirlash usullarini bajarish, ularning amalda tadbiiq qilish nazariyasini rivojlantirish sohasida bir qancha qadimiy olimlar va allomalar, muhandis va me'morlar hamda xalq ustalari yetakchi o'rinni egallaganlar. M.Kant va uning o'tmishdoshlari Yevklid geometriyasini yagona, hatto ilohiy geometriyadir deb hisobladilar. Fransuz muhandisi matematik olim, davlat arbobi Gospar Monj (1748-1818) reja va fasadni birgalikda ishlatilganda insondagi geometrik kashfiyotchilikka doir tafakkur keskin rivojlantirib yuyuborish mumkinligiga alohida e'tibor berdi. To'g'ri burchakli (ortogonal) proeksiyalar usuli G.Monjga qadar ham grafik ishlarda qo'llanilgan. Monj esa dunyodagi bir qator mamlakatlarda bu sohada orttirilgan ayrim qoida va chet el olimlarining fazoviy metrik masalalarni grafik usul



bilan yechish yutuqlarini umumlashtirib, har taraflama ishlab chiqdi va ilmiy jihatdan tizimga soldi. Chizma geometriya faniga bo'lgan talabni sezgan G.Monj birinchi marta klassik asarni 1799 yili «Chizma geometriya» (Geometrie descriptivi) nomi bilan yaratdi. O'sha davrdagi chizma geometriyani o'z tadqiqotlari bilan boyitgan olimlardan Vaynbrenner, Dyuken, Gashet, Bordon, Perez, Brisson, Myulenger, Gauss, Veybaklarni ko'rsatib o'tish lozim. Markaziy Osiyo mintaqasida shahar va qishloqlarning paydo bo'lishi asrimizga qadar bir minginchi yillarning o'rtalariga to'g'ri kelsa, mahalliy uslubda me'morchilik va dekorativ ishlarning ayrim sohalari asrimizga qadar III asrga to'g'ri keladi. O'zbekiston hududida Surxondaryo va boshqa viloyatlarda o'tkazilgan arxeologik qazilmalar shuni ko'rsatadiki, asrimizdan avvalgi VII-V asrlarda Markaziy Osiyo bilan Eron Sosoniylari, Vizantiya, Hindiston va Xitoy o'rtasida vujudga kelgan iqtisodiy va madaniy aloqalar natijasida amaliy san'atning rivojlana borishi o'z o'rnida grafika taraqqiyotiga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Simmetriya, geometric shakllar bu davrda o'z ifodasini topa boshladi. Tasviriy va naqsh san'ati paydo bo'la boshladi. Ayniqsa, naqsh san'ati Xorazm, Sug'd, Baqtriya viloyatlarida IV-II asrlardan boshlab rivojlangan. Curxondaryo viloyatidagi Fayoztepa (I-II asrlarda), Dalvarzintepadagi topilgan naqsh qoldiqlari, Xorazmdagi Tuproqqal'a zallari monumental naqshlar bilan bezatilganligi bizlarga arxeologik qazilmalardan ma'lum. Xorazm vohasida me'morlik san'ati eramizdan avv.III asrda va eramizning III asrida ulkan yuksaklikka erishdi. Shu davrda Termiz madaniyati shuhrati dunyoga tarqaldi. Afrosiyob va Axsikent yangi eramizning III-VII asrlaridek tom ma'noda gullab yashnadi, tabiiyki, bu davrda o'yma naqshlarni tasvirlash usuli rivojlandi. VII-IX asr o'rtalarida arablar istilosi va islom dinini qabul qiinishi natijasida jonli mavjudotlarni tasvirlash ma'n etildi. Ularning o'rniga naqqoshlik rivojlanib, naqshlar bilan unvonli yozuv (epigrafika) uslubi paydo bo'ldi. XI asr oxirida Buxoro hukmdori Ismoil Somoniy davrida mustaqil feodal davlati tuzilib, fan, madaniyat, san'at va me'morchilik rivojlandi. Bular o'z o'rnida grafikaning rivojlanishiga o'z ta'sirini ko'rsatdi. Grafikaviy geometrik shakllar, naqshlarning turli xillari tarkib topa boshladi. IX-X asrdan boshlab geometrik naqqoshlik rivojlandi, XI- XII asrlardan boshlab geometrik naqsh, ya'ni girix ko'plab qo'llana boshlandi. Buning guvohi Buxorodagi Ulug'bek, Ismoil Somoniy maqbaralari, Kalon minorasi, Samarqanddagi Shohizinda, Go'ri Amir maqbaralari, Ulug'bek, Sherdor, Tillakori madrasalari, Shahrisabzdagi Oq Saroy bezaklari va boshqalardir. O'sha zamon uchun girixni chizmachilik asboblari, matematika formulalari asosida ishlanishi katta ilmiy kashfiyot edi. Unday olimlar ichida alohida mavqega ega bo'lgan naqqoshlar va chizmakashlar ham bo'lib, ular grafikaning rivojlanishiga katta hissa qo'shganlar. Me'morlar har bir inshootni qurishda o'ziga xos chizmalardan foydalanishgan. Ravoq boylash usuli, gumbaz qurish usuli, linga o'rnatish va boshqa usullarning avvalo chizmalari tayyorlangan. Xiyobon va chamanzorlarning tarixini ham tuzishgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. P.Odilov va boshqalar. Chizmachilik, - T., TDPU. 2000.
2. Murodov SH., Tashimov N., «Grafika tarixi va taraqqiyoti», Toshkent, 2011, TDPU rizografi.
3. www.ziyouz.com



ГИПС ҚОМАТ ТАСВИРИНИ ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Жаббаров Ботиршер Ғуломович
Наманган давлат университети доценти
Телефон: +(998)91-160-87-02 Bek2002@gmail.com

Турдалиева Дилдора Алишер қизи
Тасвирий санъат ва амалий безак санъати 1-курс магистранти.
Телефон +(998)931979394 dilshodbekolmasov0@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада талаба тирик одам қомати тасвирини ишлашдан олдин гипс модул асосида график тасвир ишлаб кўникма ва малака ҳосил қилиши бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Гипс омаат, оғирлик маркази, таянч оё, думғаза, бел, елка мускуллари, кўкрак қафаси, конструктив тузилиш, ёруғ-соя нисбатлари, яхлитлик, тажриба, кўникма, малака.

Олий ўқув юртларининг 5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши 3-4 босқичларида ихтисосликнинг энг асосий ўқув предметларидан бири бўлган Академик аламтасвир асослари ўқитилади. Унда асосан тирик одам қомати тасвири ишланади. Тирик одам қоматини ишлаш жараёнида эса жуда кўпчилик талабалар катта ҳато ва камчиликларга йўл қуяди. Буни олдини олиш учун эса талаба гипс қомат асосида тасвир ишлаб кўникма ҳосил қилишлари талаб қилинади.

Гипсдан ясалган одам қомати тасвирини ишлаганда, диққатни одам тана тузилишида унинг ажралмас бўлаклари бўлган думғаза, бел, қорин, кўкрак қафаси ва елка мускулларининг ўзаро уйғунлигига эътиборни қаратиш лозим. Оғирлиги бир оёққа тушган одам қоматини механик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, оғирлик тушган таянч оёқ томонга қараб думғаза, бел, қорин ва елка мускуллари ўзаро яқинлашади ва оғирлик тушмаган, тинч ҳолатда турган оёқ томонда эса улар бир-биридан эркин ҳолда узоқлашади. Кўкрак қафаси елка камари билан биргаликда таянч оёқ томонга эгилиш билан биргаликда бироз сурилиб, қомат мувозанатини сақлаб қолади. Бир сўз билан айтганда, тана аъзоларининг қисқариши ёки чўзилиши, сиқилиши ёки бўшашиши тананинг умумий ташқи кўринишида акс этади. Шунинг учун ҳам одам қоматининг ихтиёрий ҳаракати, у ёки бу қисмининг ўзгариши, ўз навбатида бутун тананинг ўзгаришига олиб келади.

Талаба аввало, ўзи учун қулай кўриш нуктасини топиб олганидан кейин гипс тананинг конструктив тузилишини қоғозга жойлаштиришни бошлаши мумкин. Гипс тананинг умумий тузилишини қоғоз юзасига жойлаганда уни қоғозга нисбатан ўта катта ёки кичик бўлиб қолишига йўл қўймаслик зарур.

Талаба бажараётган тасвир ҳажми қоғоз юзаси билан ўзаро ҳамоҳанглик, уйғунлик ҳосил қилиши керак. Шунингдек, нафақат қоғоз юзаси билан, балки гипс намунага нисбатан ҳам катта ёки кичиклигини назардан четда қолдирмаслик лозим. Ҳар қандай нарса ёки буюмни, ҳаттоки одамни ҳам аслидан катта ишланиши талабага қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам бирор нарсани аслидан катта ишлаш тавсия қилинмайди.

Тананинг конструктив тузилишини топиш жараёнида аввал ишлаган скелет тасвирини кўз олдида келтириб, кўкрак қафаси ва думғаза суякларини қорин бўшлиғини инобатга олган ҳолда, аниқ белгилаб, чиқилади. Шундан сўнг елка, кўкрак, қорин, киндик, бел камари, думғаза суяклари, оёқ бўлакларининг ҳажмини тўлиқ хис қилган ҳолда, кўз илғамас даражадаги кўндаланг чизиклар ёрдамида уларнинг умумий шаклини белгилаб олиш керак бўлади.

Улар шунчаки оддий чизиклар бўлиб қолмасдан, балки тана ҳажми ва ҳаракатини ўзида акс эттириши лозим бўлган ўта нозик ва бетакрор чизиклардан иборат бўлиши зарур.

Таянч оёққа эътиборни қаратган ҳолда танани мускуллардан иборат бўлган бўлакларга ажратиб чиқилади. Тинч ҳолатда турган одам танасининг икки қисми, яъни ўнг ва чап томонлари бир хил бўлишини ҳамма яхши билади. Ўзида ҳаракат ҳолатини акс эттирган гипс модел орқали тананинг ўзаро нисбатлари қанчалик ўзгаришини кўриш мумкин. На-турада гавданинг чап томонининг қисқариши эвазига, ўнг томони чўзилишига гувоҳ



бўламиз.

Шу ўринда уларнинг барчасини натурадаги умумийликни, яхлитликни унутмаган ҳолда бир вақтни ўзида, параллел равишда амалга ошириш кераклигини унутмаслик керак. Талаба натуранинг умумий ҳажмини белгилар экан, натурани ҳам, бажараётган тасвирини ҳам яхлит кўра олишга ўрганиши зарур.

XVII - XX асрларда яшаб ижод қилган Караччи, Прейслер, Дюпри, Лосенко, Шебурев, Сапожников, Чистяков, Баммес, Ашбе, Кардовский, Крилко, Ли каби кўплаб рассом-педагоглар ҳам мураккаб шаклларни энг содда геометрик шаклларга асосланган ҳолда тасвирлашни тавсия қилишган. Гипс қомат тасвирини ҳам ушбу услубдан фойдаланган ҳолда ишлаш мумкин. Ҳаммага маълумки, одам қомати ҳеч қандай геометрик шаклга ҳам, қиррага ҳам эга эмас, аксинча тананинг бир бўлаги иккинчиси билан ўта нозик кўринишда, бўғинлар ёрдамида бирлашади.

Профессор Б. Бойметовнинг "Қаламтасвир" китобида рус рассом-педагоги Д. Кардовскийни расм чизиш принциплари ва ўқитиш услублари ҳақидаги фикри баён қилинган. "Хўш, шаклларнинг ўзи нима? Бу геометрик жисмлар, жумладан: куб, шар, цилиндр ва ҳоказолардир. Улар у ёки бу характерга эга бўлган жисмлардир. Тирик натураларнинг шакллари, албатта,

тўғри геометрик шакллар бўла олмайди, лекин аслида улар ҳам ушбу шаклларга яқин туради".

Дарҳақиқат, табиатнинг турфа оламида шаклларнинг чегараси йўқ, уларнинг бири иккинчисига сира ҳам ўхшамайди. Айниқса, биз тасвирини ишлаётган ва табиатан энг мураккаб мавжудоти бўлган одам қомати ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Бироқ, уларни қанчалик содда геометрик шаклларга қийслаб ишланса, уларни тушуниш ва тасвирлаш шунчалик осон бўлади.

Табиатда юқорида номлари санаб ўтилган геометрик жисмларнинг ўзи соф ҳолатда умуман учрамайди. Бироқ, атроф-муҳитдаги оламни тўғри тушуниш ва тасаввур қилиш учун биз улардан фойдаланимиз. Шунинг учун ҳам олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг тасвирий санъатга ихтисослашган йўналиш талабалари сафига қабул қилинган ёшлар қаламтасвир ўқув предметида илк амалий машғулотларни шар ва куб тасвирини ишлашдан бошлашининг ўзиёқ юқоридаги фикрларнинг исботи ҳисобланади.

Шарқ санъатида қадимдан геометрик шаклларга асосланган ҳолда тасвирлаш мумтоз санъат даражасига айланганлигини япон рассоми Хокусайнинг ишларидан ҳам кўриш мумкин. У тасвирий санъатга ўргатишнинг тезлаштирилган услублари китобида ҳам айнан геометрик шакллар асосида ўқитиш масаласини илгари суради.

Шундай қилиб, биз одам қомати тасвирини ишлар эканмиз, унинг бўлаклари бўлган думалоқ шаклли бўйин, елка камари, кўкрак қафаси, умуртқа поғонаси, думғаза, қўл ва оёқ суяклари, панжа ва бармоқларни ҳам қирраларини тасаввур қилиш керак бўлади. Бу эса одам қоматининг мантиқан, конструктив тузилишини, унинг ҳажмини тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам замонавий рус рассом-педагоги Николай Ли шогирдларига "Тирик шаклларда қирраларни кўра билишнинг ўзи – айнан шу, шакл ва ҳажмни кўра билишдир" - деб ўқтиради.

Талаба ишлаган тасвирини натура билан солиштириш жараёнида асосий эътиборини биринчи навбатда умумий тана ва уни бўлақларининг ўзаро нисбатлари тўғри топилганлигига қаратиши лозим. Кейин эса тананинг ҳолати, бурилиши ва ҳажмига эътибор бериллади. Шу ўринда ҳар бир талабадан ўз ишига бошқа бировнинг ишига қарагандек, танқидий назар билан қараши талаб қилинади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, одатда кўпчилик талабалар тана аъзоларини, унинг бўлақларини деталлаштириш жараёнига ҳаддан ташқари берилиб кетиб, умумийликни унутиб қўядилар. Олдига қўйилган вазифани тўлиқ англаб етмасдан, уни тезроқ бажаришга интилади. Натижада эса тананинг умумий тузилиши, кўриниши бузилади.

Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун эса гипс гавдага ҳам худди шаффоф нарсаларга қарагандек бўлиб, тананинг ички тузилишини ҳам, талабага кўринмай турган модулни орқа томонини ҳам кўз олдига келтириши зарур. Тажрибасиз ҳар қандай талабага бундай амалга ошириш қийинчилик туғдиради. Натура ни ўрганиш ва тасвирлаш талабадан жуда катта фаолликни, изланишни талаб қиладиган мураккаб жараён ҳисобланади.

Тасвирнинг конструктив тузилишини куришда қанчалик ақл талаб қилинса, унинг тус



нисбатларини топишда ҳам шунчалик билим зарур. Шунинг учун ҳам тус нисбатлари устида ишлаётиб, ҳар бир шаклнинг ўзига хос ҳажми йўналишига монанд қўйилган чизгилар ақл билан тўғри қўйилганлигини таҳлил қила билиш лозим. Бу ҳақида профессор Н. Г. Лининг фикрини келтириш мақсадга мувофиқ саналади. Жумладан, у “Талабалар рангтасвир кўпроқ хиссиётлар талаб қилган бир вақтда, қаламтасвир ақлий қувват талаб қилишини яхши билишлари зарур” -дейди.

Тус нисбатларини топишда модулнинг бир қисмидаги ёруғ-соя нисбатларини ишлашга ҳаддан ортиқ берилиб, бошқа қисмининг қолиб кетиши яхлитликни бузилишига олиб келади. Модулнинг бир қисмида ярим сояни ишлаган вақтнинг ўзида унинг бошқа бўлақларида ҳам ярим сояни топиш зарур, бир вақтни ўзида модулнинг барча қисмида бир хил вазифа амалга оширилган тақдирдагина унинг яхлитлиги назардан четда қолиб кетмайди.

Баъзи талабалар натуранинг соя қисмидаги рефлексни акс эттириш мақсадида қоғозни соф оқ ҳолатида қолдирса, бошқалари эса ўчирғичдан фойдаланиб рефлексни ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Икки ҳолат ҳам нотўғри бўлиб, бу талабаларнинг тус нисбатлари фарқини яхши билмасликларини ҳамда қаламтасвир ишлаш усуллариини чуқур тушуниб етмаганликларини англатади. Бунинг учун эса талабадан натурани диққат билан кузатиб, таҳлил қилиб тананинг ёритилган қисмининг тус нисбати билан рефлекс туси орасидаги фарқни яхшилаб аниқлаши талаб қилинади.

Одам гипс қомати нозик тус нисбатлари устида ишлаётган талабадан ёруғ-соя муносабатлари ҳақидаги билим билан биргаликда тана бўлақларининг ўзаро нисбатларини, тананинг ўзига хос характерини, унинг ҳажмини хис қилиш талаб қилинади. Бу барча сифатларни эса мунтазам машғулотлар ёрдамида, кўникма ва малакаларни ошириш асосида, вақт ўтгани сайин эгаллаш мумкин. Шунингдек, талаба одам анатомияси, физиологияси юзасидан билимини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б. Бойметов. Қаламтасвир. Дарслик. 2006. Т.;
2. Ли Н. Г. Основы учебного академического рисунка: Учебник. –М.; 2012.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(14-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000